



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақоʻрғон шаҳри, Amir Temur koʻchasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.ғ. « 6 » апрел

№ 598-К

Каттақоʻрғон ш. – г. Каттакурган

**Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидаги шаҳар ҳокимлиги  
заҳирасидаги 0,63 га ер майдонини “Pure Classic Service” хусусий  
корхонасига ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ажратиб бериш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 22-январдаги “2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 47-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда “Pure Classic Service” хусусий корхонаси раҳбарининг шаҳар ҳокими номига ёзган хатини ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил, 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидан “Pure Classic Service” хусусий корхонасига ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун шаҳар ҳокимлиги заҳирасида турган 0,63 га ер майдони ажратилсин.

3. “Pure Classic Service” хусусий корхонаси раҳбарига белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

10  
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га “Pure Classic Service” хусусий корхонасига ишлаб чиқариш цехлари қуриши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

6. “Pure Classic Service” хусусий корхонаси раҳбари томонидан шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Хашимов